

НЕМИС ТИЛИ ФРАЗЕОЛОГИЯСИДА ТЕРМИНОЛОГИК БЕТАРТИБЛИК МАСАЛАСИ

Шухратхон Имяминова

ЎзМУ профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7016128>

Аннотация. Ушбу мақола немис тили фразеологиясида “фразеологизм” тушунчаси атрофида терминлар қўлланилишида содир бўлган бетартиблик, унификациялаш, стандартлаштиришининг узоқ йиллар ўз ечимини топмаган масалаларига бағишланган. Бу масалага илмий ва назарий қарашларини билдирган рус, немис, инглиз олимларнинг фикр-мулоҳазалари чуқур таҳлил қилинган. Шунингдек, фразеологизмларнинг морфологик, синтактик, семантик, прагматик, ситуатив жиҳатлари борасида фикр юритилган.

Калит сўзлар: фразеология, фразеолексема, фразема, фразеодидактика, фразеография, синсемантика, идиоматика, турғун бирикма.

ПРОБЛЕМА ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКОЙ ПУТАНИЦЫ В НЕМЕЦКОЙ ФРАЗЕОЛОГИИ

Аннотация. Данная статья посвящена проблемам смешения, унификации и стандартизации в использовании терминов вокруг понятия «фразеологизм» в немецкой фразеологии, которые не решаются на протяжении многих лет. Глубоко проанализированы мнения российских, немецких и английских ученых, выразивших свои научно-теоретические взгляды по данному вопросу. Также рассматриваются морфологические, синтаксические, семантические, прагматические, ситуативные аспекты фразеологизмов.

Ключевые слова: фразеология, фразеолексема, фразема, фразеология, фразеография, синсемантика, идиоматика, устойчивое сочетание.

THE PROBLEM OF TERMINOLOGICAL CONFUSION IN GERMAN PHRASEOLOGY

Abstract. This article is devoted to the problems of confusion, unification and standardization in the use of terms around the concept of "phraseologism" in German phraseology, which have not been resolved for many years. The opinions of Russian, German and English scientists, who expressed their scientific and theoretical views on this issue, are deeply analyzed. Morphological, syntactic, semantic, pragmatic, situational aspects of phraseological units are also considered.

Keywords: phraseology, phrase-lexeme, phraseme, phraseology, phraseography, synsemantics, idiomatics, stable combination.

КИРИШ

Немис тилшунослигида фразеологияга оид тадқиқот 1909 йилларда Ш.Баллининг стилистикага бағишланган асари билан бошланган эди. Мана шундан бери 100 йилдан ортиқ вақт ўтди. Шунга қарамасдан бугунги кунгача фразеологик феноменларнинг изоҳи турлича ва фразеологияга оид терминологиянинг қўлланиши, тушунчалари ҳам турлича акс этди. Шу сабабдан аввало, фразеологиянинг асосий тушунчаларига тўхталиб ўтишимиз керак. Бу унчалик осон эмас, чунки К.Д.Пилц фикрига кўра, 80-йилларнинг бошларида фразеологияда мингдан ортиқ махсус терминлар қўлланилган [1]. Ўн йил

олдингина тартибсизлик тугатилди ва шундан бери немис тили тадқиқот доирасида ягона терминология пайдо бўлди. Барча турғун сўз бирикмаларига вакиллик ва етакчилик қиладиган фразеологизм, фраза, идиома каби терминлар мавжуд. Буларга синоним сифатида *фразеологик бирлик* термини қўлланади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Фразеологик бирикмаларининг ифодаланишини қамраб олган тушунча немис тилшунослиги тадқиқот доирасида фразеологизм деб номланади. Бироқ терминларнинг стандартлаштириш жараёни тилшуносликда осон кечмади. Фразеологизм (Phraseologismus) терминининг қўлланишига немис олими К.Д.Пилц қарши чиқди, чунки у *-ismus* суффиксига танқидий маъновий белги сифатида қараган. Курт Гунтер эса фразеологизм тушунчасини рад этган бўлса, Элке Доналиес фразеология терминини инкор этди. Бироқ ушбу термин умумий қўлланила бошлангани сабабли, лингвистикада мустаҳкам ўрин эгаллаб қолди.

Рус тилида фразеологизм термини (немис тилида идиома тушунчасига яқин) фразеологик бирикманинг бош тушунчасини ифодалайди. Шу билан бирга фраза „Phrasem“ сўзи синоним сифатида олинган. Бу термин фонема, морфема, лексема, терминларига ўхшаш тарзда тузилган ва 1964 йилдан бери қиёсий фразеология тадқиқотчиси И.И.Чернишева томонидан қўлланилган. „Фразема“ термини бош термин сифатида 1979 йилда 11та славян давлатларининг фразеолог тадқиқотчилари бирлашган халқаро славянлар қўмитасининг фразеология комиссияси томонидан қўлланилган [2]. Ушбу қўмитанинг раиси таниқли серб фразеолог олими Иосиф Матезич бўлиб, у 1995 йилда Лангеншайдт нашриёти томонидан чоп этилган русча-немисча фразеологик луғатининг муҳаррири бўлган. Э.Доналиес ҳам фразема тушунчасини асосий атама сифатида қабул қилади [3]. Бугунги кунда фразема термини рус ва инглиз фразеологиясида жуда кам қўлланаилади. Фразема термини кучли системали хусусиятга эга (фонемалар, морфемалар, лексемалар, матнлар) ва маънони ҳаддан ташқари ошириб юборишга мойил бўлиб, идиома, иборалардан ташқари барча терминларнинг хусусиятларига мос келмайди, яъни ушбу терминни нисбатан тор доирадаги фразеологияда янада самарали ишлатиш мумкин. Яна бир гуруҳ олимлар Ҳаралд Бургер, Дмитрий Добровольский, Петер Кун, Неал Норрикларнинг таъкидлашича, фразема фразеологиянинг тор соҳаси (шу қаторда коллакация ва иборалар учун бош тушунча) сифатида қўлланилиши кенг тушунча бўлган терминлар учун бош тушунча сифатида четда туриши керак. Шунга қарамасдан бугун бир лингвистик тор ёки кенг доирадаги соҳа учун бундан кейин тан олинган термин “фразеология”ни қўллаш макбулдир. Юқорида номлари келтирилган олимлар “фразема” терминини мослашувчанлик фаолиятига урғу беради ва фразема халқаро термин сифатида англосаксонияликлар ҳам тушуниши учун мослашди.

Олимлар томонидан қабул қилинган терминнинг учинчиси идиомадир. У кўчма маънолилик, турғунлик, кўп сўзлилиқ ва репродуктивлик каби асосий хусусиятларга эга бўлган фразеологизмларни англатади. Волфганг Флейшер ва Барбара Вотяк томонидан қўлланилган *фразеолексема* термини идиома билан синоним ҳисобланган, аммо бугунги кунда у деярли учрамайди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Қисқа қилиб айтганда, фразеология бир тизимда ёки гапда лексемаларнинг вазифасини бажара олдиган ва унинг маъноларини бера оладиган турғун бирикмалар ҳақидаги фандир. Фразеология бир томондан барча турғун бирикмаларнинг йиғиндиси бўлса, бошқа томондан у барқарор сўз бирликларининг таълимотидир.

1975 йилдан бери фразеология тилшуносликнинг тармоқларидан биридир. Охириги пайтларда у лексикологиянинг бир тармоғи сифатида ҳам қаралмоқда.

МУҲОКАМА

Фразеологизмга ёндош термин сифатида *идиома* термини ҳам кузатилади. Идиоматика фақатгина кўчма маъноли, турғун, кўп сўзлилиқ, таъсирчан ва инсон хотирасида қайта ишланадиган сўзни тадқиқ қилади. Фразеология термини анаъанавий тарзда Россияда ва Шарқий Европада ва қисман француз тилидаги тадқиқотларда қўлланилса, идиоматика термини эса Ғарбий Европада қўлланиб келинган. Инглиззабон олимлар ҳам идиоматика ва идиомлар ҳақида турли назарий фикр-мулоҳазалар юритишади. Биз эса идиомаларни тилдаги ҳақиқий фразеологизмлар деб ўйлаймиз.

Ҳаралд Бургернинг таъсири остида *идиоматик* термини пайдо бўлди. Бироқ барча турғун сўз бирикмалари ҳам идиоматик эмас. Бу шуни англатадики, фразеологиянинг таъсир доираси идиоматикага қараганда кенгрокдир. Мустақил сўз бирикмалари сўз ясалиш ва лексик маъно жихатидан тадқиқ қилинса, идиоматик сўз бирикмалари аксинча, фразеологияда тадқиқ қилинади.

Фразеография фразеологик луғатлардаги турғун сўз бирикмаларини тасвирлайди ва уларнинг таркибини ўрганади. Бундан ташқари кейинги йилларда фразеодидактика тушунчаси ҳам пайдо бўлди. Фразеологизмларнинг классификациясида баъзи бир олимлар жумладан рус тилшуносларининг етакчиларидан бири бўлган Дмитрий Доброволский классификациясида фақат синтактик семантик жихатни ўз ичига олган фразеологизмларни учратишимиз мумкин. Дмитрий Доброволский грамматик фраземалар хусусан боғловчили ва боғловчисиз фразеолексемалар ҳақида фикр юритган.

Шундай қилиб, фразеологиянинг объекти турғун сўз бирикмалардир. (ҳам фразеологизм ва идиомлар ҳам мақоллар, ҳикматли сўзлар, саломлашиш ва хайрлашиш шакллари).

Волфганг Флайшер бунга қарши фикрда бўлган яъни барча стереотип занжирларни кўшиб ҳисоблаганда фразеологиянинг тадқиқот доираси фақатгина соҳанинг кенглигини англатмайди. Шунинг учун Кристине Палм фразеологияни тор маънода (объектлари фақат идиомалардан иборат бўлган, яъни бу шуни англатадики, идиоматик, морфосинтактик, лексик-семантик барқарор ва таъсирчанлик) ва кенг маънода (объектлари барча сўз бирикмалари жумладан коллокациялар, мақоллар, цитаталар, иқтибослар ва кинеграммалар) ишлатилишини таъкидлайди.

Доналиес Пилцнинг фикрига нисбатан қуйидагиларни ёзади: “фразеологик феноменлар билан шуғулланган барча олимлар ўзларининг терминларини ишлатаверган”. 1990 йилда Курт Гунтер меъёрий луғат бўлиши керак бўлган махсус фразеологик терминлар луғатини нашр этди. Шу сабабдан унинг учун эскирган кўплаб фразеологик терминларни луғатга киритмади. Бу луғат фразеология билан шуғулланувчи олимларнинг эҳтиёжларини тўлақонли қониқтира олмади. Биринчидан, холис жамики мавжуд терминларни тушунтирадиган ва уларни бир-бири билан боғлай оладиган фразеологияга оид бош луғат керак эди. Иккинчидан, Курт Гунтернинг луғатида рўйхат тўлиқ бўлмаган.

Учинчидан, Курт Гунтер томонидан олинган терминлар фақатгина шартли равишда фразеологига оид бўлган. Тўртинчидан ҳавола тизими мураккаб бўлган.

Ҳанс Шеманн оммабоп терминлар талқин этилган фразеологик тартибсизликни ўзининг тадқиқотларида қоралайди чунки бу борада олиб борилаётган тадқиқотларда анчагина чалкашликларга олиб келаётганлигини таъкидлайди.

Кейинги пайтларда немис тилида фразеологияга оид тадқиқотларда пухта илмий асарларнинг яратилиши муҳим бурилиш бўлди. Булар Ҳарлд Бургернинг “Немис идиоматикаси”, Ҳ.Якшеннинг ҳамкорлигида А.Бухофер, Ҳ.Бургер ва А.Сиалмнинг “Фразеология қўлланмаси”, В.Флайшернинг “Ҳозирги немис тили фразеологияси” ўқув қўлланмалари, Кристине Палмнинг “Фразеологияга кириш” ўқув қўлланмаси, Ҳаралд Бургер “Немис тили фразеологиясига оид мисоллар” кабилардир. Худди шу китоблар немис фразеологик терминларини бирлаштиришга олиб келди. Шунини таъкидлаш лозимки, бир талай олимлар ўзларининг назарияларига содиқ қолишди ва уларни ҳалигача қўллаб келишмоқда.

Фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- морфологик жиҳатдан;
- синтактик жиҳатдан;
- семантик жиҳатдан;
- прагматик жиҳатдан;
- ситуатив жиҳатдан.

Фразеологизмларнинг морфологик хусусиятлари – бу “шаклий” хусусиятлардир. Фразеологизмнинг энг кўзга ташланадиган хусусияти бу кўп сўзликдир.

Биринчи ўринда фразеологик бирлик неча сўздан иборат бўлиши керак деган савол туғилади. Биз саволга янада аниқлик киритишимиз мумкин. Фразеологизмларнинг энг қуйи чегараси ва юқори чегарасида неча сўз мавжуд? Жавоб оддий эмас, чунки бу ерда сўз тушунчасининг изоҳини лексик муаммосини ҳал қилиш лозим бўлади. Сўзнинг аниқ изоҳи нима эканлигини ҳали билмаймиз. Шунинг учун ҳам фразеологизмдаги сўзларнинг сонини ҳисоблаш муаммоси пайдо бўлади.

Фразеологизм доирасининг юқори чегараси муаммосини ҳал қилиш осонроқ. Ҳ.Бургернинг фикрига кўра, гап фразеологик бирикмаларининг юқори чегараси ҳисобланади. Бир неча жумлаларни ўз ичига олган кичик матнлар, гаплар, шеърлар, ибодатга, об-ҳаво ахборотида оид матнларда ҳам фразеологик бирикмалар бўлиши мумкин. Агар улар нафақат инсонлар томонидан ёдланиб қолмасдан, балки катта гуруҳларнинг тилидан жой олса, бутун авлодлар эшитса, фразеологизмлар билан таққосланадиган мақомга эга бўлиши мумкин” (Бургер 2002, 392). Турғун сўз бирикмаларининг пастки чегараси ҳақида гап кетганда, у бир сўздан кўпроқ сўзлардан иборат бўлиши керак деб таъкидланади (Бургер 1998, 11). Аммо бу ерда кўплаб ноаниқликлар мавжуд.

Дастлаб иккала сўз автосемантиканинг таркибий сўзлари ёки улардан бири минимал фразеологизмда *синсемантик* функционал сўз бўлиши мумкинлиги таърисида бўлиши мумкин. Бу ҳолатда ҳал қилувчи Ҳ.Бургернинг қарори бўлди: “Менинг фикримча, қарор қабул қилиш учун мақбул аниқ, бошқа мезонлар мавжуд эмаслиги сабабли, мен ҳар бир турғун бирликни фразеология учун иккита сўздан иборат деб ҳисоблайман” (Бургер 2002, 393). Шунинг учун бугунги кунда барча имкониятдан фойдаланиш мумкин:

фразеологизм фақат синсемантикадан, битта синсемантикадан ва битта таркибий сўздан, иккита синсемантикадан ва битта таркибий сўздан ва ниҳоят фақат автосемантикадан иборат бўлиши мумкин.

Фразеологизмларнинг пастки чегарасида, фраземадан фойдаланиш тўғри ёки тўғри эмаслиги ҳақида ҳам савол туғилади. Фразема ибораси остида фақат “жумлага тенг” боғланишлар очик / очик хат ёки фақат “жумлага лойиқ” бўлиши мумкин? Биринчиси синтагмалар (от ва сифат сўз бирикмалари), яъни иккинчиси тўлиқ жумлага (фезли иборалар) тенг бўлиши мумкин. Ҳайнц Хелмут Лугер учун иборалар “камида иккита сўздан иборат бўлган луғавий бирликдир, бу орқали сўз фақат мустақил маънога эга бўлган лексемаларни англатади” (Лугер 1999, 9). Унинг учун “иборалар” сўзга ва жумлага тенгдир. Гертруд Гресиано учун лексемалар ҳам синсемантика бўлиши мумкин. Волфганг Флайшер учун комбинацияланган таркибий сўз / асосий элемент + функционал сўз (1997, 83), Лотар Лемницер (1997, 89) ва Барбара Вотяк (Вотяк 1999, 52) учун ҳам мавжуд.

Яна бир муаммо - фразеологизмларнинг “ноёб таркибий қисмлари”, масалан, *Frank und Frau, gang und gabe* каби таркибий қисмлар турғундир. Уларни фразеологизм бўлиши мумкин бўлган аниқ кўрсатмалар десак муболаға бўлмайди.

Муҳокама қилинадиган яна бир муаммо бор. Қандай қилиб коммуникатив/прагматик формулаларни тартибланиш керак. Масалан, *Tschüss! Feierabend! Servus!* Немис фразеологларидан баъзилари масалан, Л.Д. Пилц уларни фразеологик бирликлар деб билади, бошқа олимлар эса бундай фикрдан анча йироқ. Биз Л.Д. Пилц фикрига қўшилаемиз, чунки улар нафақат табриклаш ёки хайрлашиш формулалари, балки ҳарбий буйруқлар *Halt!, Feier!, Abtreten!, Deckung!* ва ҳоказоларни ҳам фразеологизмлар деб тушунади. Аслида фикр мантиқий бўлиши мумкин, масалан, мураббийларнинг ўргатилган ҳайвонларига нисбатан қўллайдиган буйруқ оҳангидаги сўзлар (*Halt!, Fass!* ва ҳоказо) муҳим бўлмаган рол ўйнайди. Одамлар ва ҳайвонлар ўртасидаги алоқа, уларга техник иборалар сифатида қаралиши, техник луғатлар рўйхатига киритилиши керакми? Ёки уларни соҳавий фразеологизмлар сифатида қаралиб соҳавий луғатларга киритишимиз керакми каби саволлар пайдо бўлиши мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, “фразеологизмларнинг энг кўзга ташланадиган хусусияти” (Фалеска 1995, 166) – кўп сўзлик – мутлақ эмас, балки нисбий мезон эканлигидир.

REFERENCES

1. Pilz K.D. *Phraseologie. Redensartenforschung.* Stuttgart, Metzler, 1981.
2. Matešić Iosif. *Zum Terminus und zur Definition der „phraseologischen Einheit“.* Julius Groos Verlag, Heidelberg, 1983, S. 5.
3. Donalies Elke. *Idiom, Phraseologismus oder Phrasem?* In *Zeitschrift für Germanistische Linguistik* 22/1994, S. 334.
4. Burger Harald. *Phraseologie eine Einführung am Beispiel des Deutschen.* Berlin, Erich Schmidt Verlag, 1998.
5. Fleischer Wolfgang. *Phraseologie der deutschen Gegenwartssprache.* Leipzig, 1982.
6. Kühn Peter. *Die Beschreibung von Routinenformeln im allgemeinen einsprachigen Wörterbuch.* Berlin, de Gruyter, 2009, S.830.

7. Komilova, N. (2022). GENDERED LEXICON OF ENGLISH LANGUAGE. *Science and innovation*, 1(B4), 192-194.
8. Abdilkadimovna, K. N. (2022). THEORETICAL ANALYSIS OF GENDER RELATED WORDS IN ENGLISH LANGUAGE. YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS, 1(2), 179-182.
9. Azamatovna, B. S., & Salijanovna, I. S. (2020). Classification of could words in german and uzbek. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 7333-7339.
10. Bekmuratova, S. A. (2019). GRAMMATIC FEATURES OF DOUBLE WORDS IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(5), 248-252.
11. Бекмуратова, Ш. А. (2019). НЕКОТОРЫЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМЫ В УЗБЕКСКОМ И НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКАХ. *Мировая наука*, (3), 105-107.
12. Gafurov, B. Z. (2021). Study of advertising texts in Russian on the topic of medical terminology. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT)–Indonesia*, 26(1), 586-590.
13. Gafurov, B. Z. (2020). ANALYSIS OF THE RELATIONSHIP OF MEDICAL TERMINOLOGY WITH SEGMENT PHONOSTYLISTICS OF THE NOUN IN RUSSIAN, UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES. *Theoretical & Applied Science*, (1), 464-466.
14. Shodiyeva, G., & Ismatova, S. (2022). O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA SO'Z TURKUMLARI MASALASI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(7), 103-105.
15. qizi Shodieva, G. N., & Dusmatov, H. H. (2022, July). RINCPLES OF DIVISION OF WORD CATAGORIES IN UZBEK LANGUAGE. In *INTERNATIONAL CONFERENCES ON LEARNING AND TEACHING* (Vol. 1, No. 11, pp. 38-43).
16. Shodiyeva, G. N. K., & Dustmatov, H. (2022). CLASSIFICATION OF WORDS IN UZBEK AND ENGLISH: IN THE EXAMPLE OF VERBS. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2(4), 234-237.
17. Aliyeva, N. (2021). СТРУКТУРНО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕМ В АНГЛИЙСКОМ, РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 3(8).
18. Aliyeva, N. (2021). ИЗОМОРФИЗМ АНГЛИЙСКИХ КОЛЛОКАЦИЙ И ФРАЗЕМ РУССКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ С УЧЕТОМ ПЕРЕХОДНОСТИ ЗНАЧЕНИЯ. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(2).